

## БИТИМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА УНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Нигора Ғайрат қизи Хушбоқова  
Термиз давлат университети талабаси  
[nigora.0303@icloud.com](mailto:nigora.0303@icloud.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада битим, унинг асосий мақсади, қонуний ҳатти – ҳаракати ва турлари, битимлар билан боғлиқ амалиётдаги хато ва камчиликлар, уни ҳақиқиий эмас деб топиш, амалиётда битимларга доир олимларнинг турлича ёндашувлари ҳамда фикрлари ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** битимлар, Фуқаролик кодекси, мулкий муносабатлар, эрк изҳори, конклюдент, сукут, ҳуқуқий оқибат, ҳадя, битим турлари, фидустиар битим, статистика.

### ABSTRACT

The article reflects the agreement, its main purpose, legal line - actions and types, errors and omissions in the practice of transactions, finding it invalid, different approaches and opinions of scholars on transactions in practice.

**Keywords:** agreements, Civil Code, property relations, declaration of will, contract, default, legal consequence, gift, types of transactions, fiduciary agreement, statistics.

### КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатларни вужудга келишида, уларнинг ривожланишида ҳамда кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришда битимлар энг кўп тарқалган юридик факт сифатида мухим рол ўйнайди. Амалдаги Фуқаролик кодексига қўра битим тарафлари сифатида фуқаролар, юридик шахслар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари нафақат истеъмолий хусусиятга эга ашёлар ва маҳсулотлар, балки ишлаб чиқариш воситаларини эгаллаш, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилиш билан боғлиқ бўлмаган мулкий муносабатларнинг ҳам вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўла оладиган битимлар тузга оладилар. Бундан кўриниб турибдики, битимларга

бағишиланган моддалар амалдаги Фуқаролик кодексида фақат моҳияти жиҳатидан эмас, балки сон жиҳатдан ҳам тубдан фарқ қиласи.

**Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаши, ўзгартириши ёки бекор қилишига қаратилган ҳаракатларга айтилади.**

Битимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган, эрк-ирода асосидаги хатти-ҳаракатлари бўлиб, уларни амалга ошириш орқали улар муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга интиладилар. Масалан, қарзга пул бериш қарзга пул берган шахсда (қарз берувчида) қарзни қайтариб олиш ҳуқуқини, қарзни олган шахсда (қарздор) эса қарзга олган пулини ёки ашёларни қайтариш мажбуриятини вужудга келтиради.

Битимнинг моҳияти субъектнинг эрк изҳорига асосланган, унинг негизида унинг иродаси ётади. Эрк изҳори шахснинг қўйилган мақсадга эришиш йўлига йўналтирилган ва асосланган истагидир. Битим субъектларининг эрк-иродаси мазмуни ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири остида шаклланади: тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар фойда олиш мақсадида товарларнинг сотилиш, хизмат кўрсатиш учун битимлар тузадилар; фуқаролар битим тузиш орқали моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадилар ва ҳ.к.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Эрк изҳори – шахснинг ўз ифодасини ташқарига баён этмоғи бўлиб, шу орқали бошқа шахслар ҳам ундан воқиф бўлишлари мумкин бўлади. Эрк изҳори битимнинг айнан моҳиятидир. Шу сабабли, умумий қоидага кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар эрк изҳори билан боғланади. Айрим ҳолларда битимдан ҳуқуқий оқибат вужудга келиши учун, фақат эрк изҳорининг ўзигина эмас, балки мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ҳаракати ҳам талаб этилади. Масалан, ашёни ҳадя қилиш битими вужудга келиши учун ҳадя қилувчининг ҳадя қилиш, ҳадя олувчининг ҳадяни олиш эрк изҳоридан ташқари, ҳадя қилувчи ашёни ҳадя қилинаётган шахсга ўтказиб бериши талаб этилади.

Битим субъект томонидан учинчи шахсларга қаратилган эрк изҳоридир. Ўз-ўзига нисбатан битимни амалга ошириш мумкин эмас. Битимларга субъектнинг шундай эрк изҳорини киритиш мумкинки, бунда субъектнинг учинчи шахслар билан муносабати ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида амалга оширилади.

Субъектнинг иродаси атрофдагилар учун аниқ ва тушунарли тарзда ифодаланиши зарур. Битим тузатган субъектлар иродасини ифодалаш, мустаҳкамлаб қўйиш ёки тасдиқлаш амаллари битим шакллари деб аталади. Ирода қўйидагича ифода этилиши мумкин:

- оғзаки;
- ёзма;
- конклюдент хатти-ҳаракатларни бажариш;
- сукут (ҳаракатсизлик).

Битим шаклини субъектнинг иродасининг ифодаси деб эътироф этилиши қўйидаги азалий масалани ўртага қўяди: битим қатнашчиларининг ҳақиқий майиллари (хоҳиши) ва мақсадларини аниқлаш учун асосий эътиборни нимага қаратиши – юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан бирида амалга оширилган эрк изҳорига қаратиш зарурми ёки иродагами? Худди шу ўринда битимни талқин этишда муаммо юзага келади. Бу муаммо цивилистиканинг абадий муаммоларидан ҳисобланади. Сўз ва ирода ўртасидаги тарафларнинг кураши бутун мумтоз (классик) юриспруденция орқали ўтади.

Амалдаги қонунчилик битимларнинг ҳаққонийлиги ёки ҳаққоний эмаслиги масаласини ҳал этишда муайян ҳолатларда субъектнинг эрк изҳорини эмас, балки унинг ҳақиқий иродасини устувор қўяди. Бу нарса айниқса кўзбўямачилик битимини, яъни бошқа битимни ниқоблаш учун тузилган битимни ифодалашда яққол намоён бўлади (ФК, 124-м. 2-қ). Шахснинг эрк изҳорини ифода этувчи кўзбўямачилик битимининг ўзи ҳамиша ўз-ўзича ҳақиқий эмасдир. Бунда шахснинг кўзбўямачилик битими остига яширилган ҳаққоний хоҳиши, иродаси устуворликка эга бўлади. Шу сабабли, қонун бундай ҳолларда кўзбўямачилик битимларига тааллуқли қоидаларини қўллаш зарурлигини тақозо этади.

### **Битимнинг асосий мақсади.**

Битим субъектнинг учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида амалга ошириладиган эрк изҳоридир. Битимни тузатган субъектлар томонидан кўзланаётган мақсад ҳамиша ҳуқуқий хусусиятга эга бўлади, яъни, мулк ҳуқуқини, муайян ашёдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва х.к. Шу сабабли, ҳуқуқий мақсадни кўзда тутмайдиган маънавий-маиший келишувлар – учрашув тўғрисидаги, сайр қилиш тўғрисидаги келишувлар битим бўла олмайди.

Битимлар амалга оширилиши учун асос бўлувчи мана

шундай турдаги битимлар учун хос бўлган типик ҳуқуқий мақсад битимнинг асоси деб аталади.

Битимнинг тузилиши сабабли субъектлар учун келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг ҳуқуқий натижасини ташкил этади. Битимларнинг ҳуқуқий натижалари ниҳоятда турли-туман. Бу мулк ҳуқуқини қўлга киритиш, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқининг кредитордан учинчи шахсга ўтказилиши, вакилга тегишли ваколатларнинг вужудга келиши ва х.к. бўлиши мумкин.

### **Битим қонуний ҳатти-ҳаракат сифатида.**

Фақат қонун талабларига мувофиқ равишда амалга оширилган қонуний ҳатти-ҳаракатлар битим деб ҳисобланishi мумкин. Битимнинг қонунийлиги унинг битимни тузаётган шахслар вужудга келишини хоҳлаган ҳамда мазкур битим учун қонунда белгилаб кўйилган ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирувчи юридик факт сифатига эга эканлигини англаради. Шу сабабли, қонун талабларига мувофиқ амалга оширилган битим ҳақиқий, яъни битим субъектлари хоҳлаган ҳуқуқий натижани вужудга келтирган ҳуқуқий факт ҳисобланади.

Битимларнинг тузилиши субъектив фуқаролик ҳукуқларининг амалга оширилишининг муҳим қонуний усулидир. Битимлар тузиш орқали субъектлар ўзларига тегишли ижтимоий-иқтисодий неъматларни тасарруф этадилар ва бошқаларга тегишли неъматларни олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Битимлар жамият ҳаётида кўп қиррали аҳамият касб этади. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқида қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай битим ҳақиқий деб эътироф этиладиган йўл қўйиб бериш тамойили, яъни битимларнинг эркинлиги тамойили ўрнатилган (ФК, 8-м.).

Битимлар ўз белгиларига кўра қуидаги турларга бўлинади (классификация килинади):

- *Бир, икки ва кўп томонлама битимлар;*
- *Ҳақ бараварига ва текинга тузиладиган битимлар;*
- *Консенсуал* (“консенсуал” сўзи лотинча “consensus” сўзидан олинган бўлиб, “келишув” маъносини билдиради) *ва реал* (“реал” сўзи лотинча “res” сўзидан олинган бўлиб, “ашё” маъносини билдиради) *битимлар;*
- *Битимлар асосининг моҳияти ва уларнинг амал қилишига кўра казуал ва абстракт битимлар (мавхум) битимларга бўлинади.*

Юридик фанлар номзоди, доцент *Б.Р. Топилдиев* битимларнинг турига **фидустиар битимни** ҳам киритган. Бундай битимлар ўзаро ишончга асосланади. Топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш каби битимлар томонларнинг шахсий ишончи билан боғлиқдир.<sup>4</sup>

Хуқуқ субъектлари ўртасида тузиладиган битимлар муайян муддатларда ижро этилади ва бекор бўлади.

Агар битимда хуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлиши вақти кўрсатилган бўлса, битимлар муддатли ҳисобланади. Битимларда муддатлар қўйидагича:

- а) маълум кун, ой, йил билан (масалан, 2019-йил 15-сентябрь);
- б) маълум вақтнинг ўтиши билан (масалан, бир ярим йилдан кейин ўтишини кўрсатиш);
- в) маълум бир воқелик юз бериши билан (масалан, дарё орқали юк ташиш – муз эриши) билан белгиланади.

Битим шакли – эркни баён этиш усулидир. Эрк оғзаки, ёзма ва бошқа усувларда баён этилиши лозим.

Жетон, патта ёки одатда, қабул қилинган бошқа белги бериш билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади. Ёзма шаклда тузилган шартнома бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

Қонунда индамасдан, сукут сақлаш орқали ҳам битим тузилиши мумкинлиги назарда тутилади. Бу ҳолда ҳалқимизнинг қадимдан мавжуд “сукут – розилик аломати” қоидаси амал қиласди.

Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги соҳасидаги асосий муаммолар ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг битимлар билан боғлиқ бўлган бир қатор қоидалари хуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳамда манфаатдор шахслар томонидан уларни ҳар хил талқин қилишга имкон беришига олиб келмоқда. Қонунчилик нормаларининг ҳар хилда талқин қилиниши эса жамият ҳамда давлат ривожи учун асосий ёв саналувчи омиллардан бири коррупция ҳолатларига олиб келиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлангандир. Бу борада эса Юртбошимиз “бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятини юксалтириш

ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлик<sup>”6</sup> деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Бундан ташқари, Фуқаролик Кодекси доирасида битимлар яроқсизлиги соҳасидаги ҳукукни қўллаш амалиётининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ва тегишли таҳлилни талаб қиласидиган қонунлар бўйича зиддиятлар мавжуд. Мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигига битимларнинг ҳақиқий эмаслигини аниқлаш институти замонавий шароитда мавжуд назарий муаммоларни уларнинг амалий татбиқ этилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама ўрганишни ва ечимини таклиф қилишни талаб қиласиди.

Бундан ташқари суд амалиётида битимларга оид ишларнинг кўплаб кўрилаётгани ушбу мавзунинг долзарблигини яна бир карра исботлаб беради.

Битимлар билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатадики, судлар битимларга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини асосан тўғри татбиқ қилмоқдалар. Шу билан бирга суд амалиётида низоли ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган моддий қонун нормаларини нотўғри аниқлаш, моҳиятига кўра низоли битимга нисбатан бир-бирини истисно қилувчи даъво талабларини қабул қилиш ва кўриш, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳар томонлама текширмаслик каби хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

*Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди статистик маълумотларига кўра, 2021-йил 9 ой давомида Республикаизда 362611 (уч юз олтмиши икки минг олти юз ўн бир) та биринчи инстанция судларида ишлар кўрилган бўлиб, улардан 117666 (бир юз ўн етти минг олти юз олтмиши олти) та битимларга оидdir. Солиштириши учун жами кўрилган ишларнинг 7564 (етти минг беш юз олтмиши тўрт) таси уй-жой муносабатлари, 39692 (ўттиз тўқиз минг олти юз тўқсан икки) таси никоҳдан ажратишга доир ишлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Колган турдаги фуқаролик ишлари улуши камроқни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, 2021-йилнинг 9 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судларнинг биринчи инстанциясида кўрган ишларнинг деярли 1/3 қисмини битимларга оид ишлар ташкил этмоқда.*

Битим унинг тарафлари томонидан ўз олдиларига қўйган мақсад, юридик натижага эришишда юридик факт сифатида тан олинган ҳоллардагина, яъни шунчаки эмас, балки маълум юридик оқибатлар юзага келтириш мақсад қилиб тузилгандагина ҳақиқий деб ҳисобланади. Битимнинг ҳақиқийлиги қонун билан унга

тааллукли бўлган элементларини тегишли тизимга солиш йўли билан белгиланади. *М.В.Коротовни* таъкидлашича, битим тўртта унсур (элемент): шахслар-битим тарафлари, субъектив жиҳатдан – эрк ва эркни баён этиш, битимнинг шакли ва мазмунининг бирлигидан иборат.

*Э.А.Суханов* ҳам битимнинг бундай тавсифланишига қўшилади. Лекин унинг фикрича, битим ҳақиқий деб ҳисобланиши учун унинг шартлари сифатида мазмуни жиҳатдан қонунга мос бўлиши керак. Шунинг билан бирга у шахслар-битим тарафларини унинг ҳақиқий деб ҳисобланиши учун зарур бўлган шартлари таркибига киргизмайди.

*И.Б.Зокиров* ҳам асосан битимни ҳақиқий саналиши учун тегишли шартларга жавоб беришига эътиборни қаратади. Унга кўра битимлар қонунга мувофиқ бўлиши, уни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлиши, битим кўриниши учун эмас, яъни сохта, қалбаки бўлмаслиги, битимлар қонун билан талаб қилинганда нотариал тасдиқланган, давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

*Ю.Р.Егоровнинг* таъкидлашича, “битимлар қонуний бўлиши керак, уларнинг мазмуни амалдаги қонунларга мувофиқ бўлиши керак. Битим мазмунига кўра унинг таъсис шартларининг умумийлиги тушунилади”<sup>12</sup>.

*В.П.Шахматов* битимга аниқ таъриф беришни эмас, балки алоҳида алоҳида ҳақиқий ва яроқсиз битимларни кўриб чиқиши таклиф қиласи. У ҳақиқий битимни “тегишли фуқаролик ҳуқуқлари ёки мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши орқали ҳақиқий ижтимоий муносабатларга қонуний ва мажбурий равишда таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахс (субъектлар) иродасининг ифодаси” деб билган. Ҳақиқий битимнинг шартлари сифатида ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган субъектларнинг иродаси ҳамда қонун талабларини қўяди.<sup>13</sup>

Баъзи муаллифлар яроқсиз битимни ноқонуний хатти-харакатлар деб ҳисоблашади ва шу муносабат билан битим мақомидан воз кечишади.

Шундай қилиб, *Ф.С.Хайфецнинг* фикрича, “харакатларнинг қонунийлиги бу битимнинг бузилишдан ажратиб турувчи элементидир. Муайян битимда қонунийлик элементининг йўқлиги, битим шаклида вужудга келадиган ҳаракат аслида битим эмас, балки ҳуқуқбузарлик эканлигини англаради”<sup>14</sup>.

*Д.М.Генкиннинг* таъкидлашича, “харакатнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги бу битимнинг зарурый элементи эмас, фақат битимнинг у ёки бошқа оқибатларини белгилайди”.

И.Б.Новицкийнинг таъкидлашича, ноқонуний битим учун битим ва хукуқий оқибатлар ўртасида аниқ фарқ бор, чунки бу ҳечқандай хукуқий оқибатларга олиб келмайди, дейиш мумкин эмас. Бу унга эришишга қаратилган натижаларга олиб келмайди, лекин уни амалга ошириш натижасида уни содир этган шахслар учун бошқа номақбул оқибатлар язага келади.<sup>16</sup>

Турли муаллифларнинг юқоридаги фикрларини ўрганиб чиқиб, яроқсиз тузилган битим яъни ҳақиқий саналмайдиган битим деб қонун ва (ёки) суд томонидан ушбу битимнинг камида битта шарти бузилганлиги аниқланган битим деб хулоса қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 113-моддасига мувофиқ битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши сабабли (низоли битимлар) ёки бундай деб топилишидан қатъий назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар).

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, битимларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти уларнинг моҳиятига алоҳида юридик-хукуқий хусусиятларидан келиб чиқади. Фуқаролик хукуки тенг, мустақил ва бир-бирига тобе холи бўлмаган тарафларнинг товар-пул ва бошқа турдаги муносабатларининг тартиба солинишига хизмат қиласи. Юқорида кўрсатиб ўтилган субъектлар ўртасида хукуқий муносабатларни ўрнатиш ва бу муносабатларнинг мазмунини белгилаш учун асосий хукуқий восита бўлиб *битимлар* хизмат қиласи. Айнан битимлар шундай хукуқий воситадирки, унинг ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тенг хукуқли ва мустақил субъектлар ўзларининг хукуқ ва мажбуриятларини аниқлайдилар ва шу орқали ўзаро муносабатларининг қонуний чегараларини белгилайдилар.

## REFERENCES

1. <http://cyberleninka.ru/article/n/bitimni-haqiqiy-emas-deb-topish-va-uning-oqibatlarini-qo-llash-fuqarolik-huquqlarini-himoya-qilish-vositasi-sifatida>;
2. Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик кодекси**. (2021-йил 1-мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари миллий базаси [www.lex.uz](http://www.lex.uz)(расмий манба) асосида. Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”.2021. 62-б;
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг

академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х.Р.РАҲМОНҚУЛОВ, Юридик фанлари доктори, профессор О.О.ОҚЮЛОВ таҳрири остида. Тошкент. “VEKTOR-PRESS”.2010.

[https://www.osce.org/files/f\\_.documents/8/7/74875.pdf](https://www.osce.org/files/f_.documents/8/7/74875.pdf);

4. Тошкент давлат юридик университети. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. Тошкент – 2017.

<http://uzsmart.uz/kitoblar/files/.Darsliklar/Fuqarolik/.Fuqarolik%20huquqi%201-qism%5Buzsmart.uz%5D.pdf>;

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент Давлат Юридик Университети. “Фуқаролик ҳуқуқи”. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик колледж ўқувчиларига мўлжалланган. Тошкент – 2019.;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йилги Олий Мажлисга мурожаатномаси. [http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi\\_presidenti-shavkat-mirziyoyevning-oliy-25-01-2020](http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi_presidenti-shavkat-mirziyoyevning-oliy-25-01-2020);

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш., 2006-йил 22-декабрь, 17-сон.

<http://lex.uz/docs/-1590543>;

8. Олий суд статистикаси. <http://stat.sud.uz/fib/html>;

9. Кротов.М.В. Гражданское право. Часть 1. // Под. ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. –М:ТЕИС, 1996, С.199.;

10. Гражданское право. Том 1. Отв.ред.проф.Э.А.Суханов. – 2-е. Изд.М:БЕК, 1998. С.342.

11. Зокиров И.Б.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуки. Тошкент . “Адолат”, 1996. 108 б.;

12. Егоров Ю.Л. Недействительность противозаконных по содержанию сделок. //Законность, 2004, №6, с 89.;

13. Шахматов В.П. Составы противоправных сделок и обусловленные ими последствия. –Томск, 1967, с. 101.;

14. Хейфец Ф.С. Недействительность сделок по российскому гражданскому праву. М., 2007, с 94.;

15. Генкин Д.М. Недействительность сделок, совершенных с целью, противной закону.// Ученые записки ВИОН, 1947, № 5, с.61. ;

16. Новицкий И.Б. Недействительные сделки. Вопросы советского гражданского процесса. – М., 1945,с.15.